

Бақоев Хусан Нуриддинович,
Навоий давлат кончилиқ институти
мустақил изланувчиси

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ КЎП ОМИЛЛИ ИНДЕКСЛАР УСУЛИ ЁРДАМИДА БАҲОЛАШ

Мақолада Навоий вилояти шаҳар ва туманлари кесимида кичик бизнес фаолияти таҳлил қилиниб, унинг фаолитига таъсир этувчи экстенсив ва интенсив омилларга баҳо берилган. Ҳар бир шаҳар ва тумандаги кичик бизнес асосий капиталига инвестициялар, корхоналар сонининг каби омиллар умумий маҳсулот ишлаб чиқаришига таъсири таҳлил қилинган.

Проведен анализ деятельности малого предпринимательства по городам и районам Навоийской области и дана оценка к экстенсивным и интенсивным факторам влияющих на его деятельность. Проанализировано влияние таких факторов, как инвестиции в основной капитал малого бизнеса в каждом городе и районе, количество предприятий на общий объем производства продукции.

The analysis of small business activity in the cities and districts of Navoi region is Carried out and an assessment of the extensive and intensive factors affecting its activity is given. The influence of such factors as investments in fixed capital of small businesses in each city and district, the number of enterprises on the

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатдаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ва иқтисодиётни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутлади. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг келгуси ривожига таъминланиши шарт. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида кўрсатиб берилганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда тизимли, танқидий ва комплекс ёндашувни заруратга айлантиради [1].

Иқтисодиётни янада либераллаштириш шароитларида ҳудудлардаги кичик бизнес субъектлари фаолиятини илмий асосланган статистик кўрсаткичлар тизими асосида чуқур таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг мавжуд имкониятларини белгилаш ҳамда ривожланиш тенденцияларини прогнозлаш муҳим аҳамият касб этмокда. Бу борадаги статистик таҳлилни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини илмий-услубий таъминлаш учун муҳим кўрсаткичларни тузиш ва прогнозлашнинг услубий масалаларини соҳадаги халқаро талабларга мувофиқ олиб бориш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумназарий асослари, уни ривожлантириш ва салоҳиятини баҳолаш масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган. Бу масала хусусан: Й.Шумпетер [2], Д.Кларк, С.Питерс, А.Смит, Ф.Хайек, Р.Хизрич, А.Хоскинг, Р.Друкер [3] томонидан тадқиқ этилган.

Кичик бизнес ривожланишини эконометрик тадқиқ этиш масалалари МДХ олимларидан Л.Г.Шаршукова, К.П.Янковский [4] кабиларнинг ишларида кузатилади.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш муаммолари, шу жумладан, унинг иқтисодий-статистик, эконометрик таҳлили ва фаолияти ривожлантирилиши ўрганиш бўйича С.С.Ғуломов [5], Б.Ю.Ходиев [6], Б.К.Ғойибназаров [7], И.О.Улашев [8] ва бошқа олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Иқтисодий-статистик ва эконометрик таҳлил қилиш иқтисодиёт, математик статистика ва социология билан чамбарчас боғланган. Бу боғланишлар иқтисодиётни прогнозлаш, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш билан боғлиқ: статистик моделлар миллий иқтисодиёт ва алоҳида иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши элементлари тузилмалари, динамикаси, ўзаро алоқаларини кўриб чиқади [7].

Юқоридагиларга асосланиб, Навоий вилоятидаги кичик тадбиркорлик субъектларини 2010–2018 йилларга ялпи қўшилган қиймат ҳажми, капитал қўйилмалар ва инвестиция қайтими маълумотлари асосида омилли таҳлил индекси услубини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу эса ўрганилаётган даврда кичик тадбиркорлик субъектларида мазкур кўрсаткичларнинг иқтисодий-статистик таҳлилинини кенгайтиради.

Кўпинча макроиқтисодий моделда омил белги сифатида капитал ва меҳнат харажатлари, натижавий белги сифатида маҳсулот қийматидан фойдаланилади.

Навоий вилояти шаҳар ва туманлари кесимида кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган товар ва хизматлар ҳажми ҳақидаги маълумотлар амалдаги 1-жадвалда нархлар бўйича берилган.

Бунда кичик бизнес вакиллари томонидан саноатда, қишлоқ хўжалигида, қурилишда ва хизматлар соҳаларида яратилган маҳсулотлар ҳажми назарда тутилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг (КБХТ) вилоят шаҳар туманлари кесимидаги ҳолатини таққослаш мақсадида 2010 йилдан 2018 йилгача бўлган даврдаги маълумотлар келтирилган. Аммо шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, иқтисодиётдаги нархлар даражаси ўзгаришини эътиборга олмасдан вилоят кичик бизнес томонидан яратилган маҳсулот ҳажми ўзгариши бўйича амалдаги нархлардаги маълумотлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш бу ҳақда объектив хулоса қилишга ёрдам бермайди.

1-жадвал

Навоий вилояти шаҳар ва туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган маҳсулот ҳажми (амалдаги нархларда, млрд.сўм)¹

Шаҳар ва туманлар	2010 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Вилоят бўйича	2366.065	8299.351	10011.97	12275.509	16542.45
Шаҳарлар:					
Навоий	382.455	965.336	1306.35	1391.078	2020.403
Зарафшон	99.969	401.451	425.444	465.3	521.188
Туманлар:					
Кармана	355.491	1322.098	1529.129	1907.868	3084.199
Конимех	83.601	320.785	371.627	473.357	606.671
Қизилтепа	396.670	1432.031	1613.295	2197.981	2852.285
Навбахор	291.910	1023.034	1269.921	1552.682	1868.554
Нурота	141.293	552.862	690.347	970.509	1329.203
Томди	41.578	177.559	259.169	227.852	349.963
Учкудук	56.873	259.257	300.379	336.406	421.037
Хатирчи	522.075	1844.986	2246.301	2752.478	3488.91

Масалан, 2015 йилдан 2018 йилгача бўлган вақтда фарқ бу борадаги кўрсаткич 2-3 баробарни ташкил этмоқда. Шу боис аниқроқ таҳлил қилиш учун маълумотлар бир хил таққослама нархларда, 2018 йилдаги қиёсий нархлар бўйича амалга оширилди.

Миллий валюта конвертациясини таъминлаш билан боғлиқ ҳаракатлар мамлакатда инфляция суръати бир оз юқорироқ бўлишига сабаб бўлди. 2-жадвалда Навоий вилояти шаҳар ва туманларидаги кичик бизнесда яратилган маҳсулотлар ҳажми қиёсий 2018 йилги нархларда акс эттирилган бўлиб, ҳақиқий вазият ҳақида яққолроқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Кичик бизнес вакиллари томонидан яратилган маҳсулотлар ҳажмини қиёсий нархларда солиштирилса, вилоят бўйича ушбу кўрсаткич 2,24 марта ошганини кўзга ташланади. Ушбу фарқ 9 трлн.сўмдан ортиқ бўлиб, катта ҳажмда ўзгариш бўлгани кўринади. Вилоят шаҳар-туманлари орасида энг юқори ўсишга Нурота тумани эришган, яъни 301 фоиз. Энг кам ўзгариш Зарафшон ва Навоий шаҳарлари ҳиссасига мос келади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғига кўра, энг кўп маҳсулот 2018 йилда Хатирчи, Кармана, Навоий шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Энг кам маҳсулот кичик бизнесда яратилиши Томди, Учкудук, Зарафшон шаҳри ва Конимех томонларига мос келар экан.

¹ Навоий вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2-жадвал

Навоий вилояти шаҳар ва туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган маҳсулот ҳажми (2018 йилдаги қиёсий нархларда, млрд.сўм)²

Шаҳар ва туманлар	2010 йил	2018 йил	2018 йилда 2010 йилдагига нисбатан	
			ўзгариши, %	фарқи (+; -)
Вилоят бўйича	7382.123	16542.450	224.088	9160.327
Шаҳарлар:				
Навоий	1193.261	2020.403	169.318	827.142
Зарафшон	311.904	521.188	167.099	209.284
Туманлар:				
Кармана	1109.131	3084.199	278.073	1975.068
Конимех	260.836	606.671	232.587	345.835
Қизилтепа	1237.609	2852.285	230.467	1614.676
Навбахор	910.760	1868.554	205.164	957.794
Нурота	440.835	1329.203	301.519	888.368
Томди	129.722	349.963	269.779	220.241
Учкудук	177.445	421.037	237.277	243.592
Хатирчи	1628.874	3488.910	214.192	1860.036

Кичик бизнес субъектлари асосий капиталига киритилган инвестициялар ҳажми 3-жадвалда келтирилган. Бу жадвалда 2010 йилдаги ва 2018 йилдаги маълумотлар 2 хил, яъни амалдаги нархларда ва 2018 йилдаги қиёсий нархларда ҳисоблаб чиқилган. Асосий капиталга инвестиция ҳажми бўйича 2010 йилда Навоий шаҳри ва Кармана тумани етакчи бўлишган. Қизилтепа, Навбахор ва Нурота туманларида кичик бизнес томонидан инвестиция қилиш ўртача бўлган, Учкудук ва Томди туманларида энг паст кўрсаткич тўғри келади.

2018 йилда кичик бизнес асосий капиталига киритилган инвестициялар бўйича биринчи ўринни Кармана тумани, кейинги ўринларни Навоий шаҳри ҳамда Қизилтепа ва Хатирчи туманлари эгаллаган. Ушбу индекслар таҳлилидан кўринадикки, вилоятнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиёти, жумладан, алоҳида шаҳар ва туманлари бўйича ялпи маҳсулот, инвестиция ва инвестиция қайтимида ўсиш юз берган.

² Навоий вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

3-жадвал

Навоий вилояти шаҳар ва туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари асосий капиталига киритилган инвестициялар ҳажми (млрд.сўм)³

Шаҳар ва туманлар	Амалдаги нархларда		2018 йилдаги қиёсий нархларда	
	2010 йил	2018 йил	2010 йил	2018 йил
Вилоят бўйича	215.968	1513.948	673.820	1513.948
Шаҳарлар:				
Навоий	50.958	350.031	158.989	350.031
Зарафшон	7.0218	19.792	21.908	19.792
Туманлар:				
Кармана	79.449	575.415	247.881	575.415
Конимех	6.396	12.435	19.956	12.435
Қизилтепа	19.7859	176.038	61.732	176.038
Навбахор	21.5527	93.561	67.244	93.561
Нурота	15.7724	81.384	49.210	81.384
Томди	3.184	25.458	9.934	25.458
Учкудук	3.648	27.224	11.382	27.224
Хатирчи	8.536	152.604	26.632	152.604

Агрегат индексларнинг иқтисодий мазмуни ва ҳисобланиш услуби 4-жадвалда берилган [9].

Вилоятда кичик тадбиркорлик реал тармоқлари бўйича ялпи маҳсулот ҳажмининг умумий индексини аниқлаймиз. Яъни:

$$I_N = \frac{\sum(KN_1 * F_1)}{\sum(KN_0 * F_0)};$$

Бу ерда: N – вилоят шаҳар ва туманларида кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган маҳсулот ҳажми; KN – кичик тадбиркорлик фаолиятида инвестициялар ҳажми; F – кичик тадбиркорлик фаолиятида инвестиция қайтими.

$$F = N / KN$$

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича олинган маълумотлар асосида тармоқлар индекслари ҳисобланади.

³ Навоий вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

4-жадвал

2010-2018 йилларда Навоий вилояти шаҳар ва туманларида кичик бизнес ялли маҳсулоти, инвестиция ҳажми ва инвестиция қайтими⁴

Шаҳар ва туманлар	Кичик тадбиркорликда инвестиция қайтими $F = \frac{N}{KN}$		Кичик тадбиркорликда инвестиция ҳажми (таққослама нархларда, млрд.сўм)		Ялли маҳсулот қиймати (таққослама нархларда, млрд.сўм)	
	F_0	F_1	KN_0	KN_1	N_0	N_1
Шаҳарлар:						
Навоий	7.5	5.8	159.0	350.0	1193.3	2020.4
Зарафшон	14.2	26.3	21.9	19.8	311.9	521.2
Туманлар:						
Кармана	4.5	5.4	247.9	575.4	1109.1	3084.2
Конимех	13.1	48.8	20.0	12.4	260.8	606.7
Қизилтепа	20.0	16.2	61.7	176.0	1237.6	2852.3
Навбахор	13.5	20.0	67.2	93.6	910.8	1868.6
Нурога	9.0	16.3	49.2	81.4	440.8	1329.2
Томди	13.1	13.7	9.9	25.5	129.7	350
Учқудуқ	15.6	15.5	11.4	27.2	177.4	421
Хатирчи	61.2	22.9	26.6	152.6	1628.9	3488.9
Вилоят бўйича	11.0	10.9	673.8	1513.9	7382.1	16542.5

Вилоятда кичик тадбиркорлик реал тармоқлари бўйича ялли маҳсулот ҳажмининг умумий индексини аниқлаймиз. Яъни:

$$I_N = \frac{\sum(KN_1 * F_1)}{\sum(KN_0 * F_0)};$$

Бу ерда: KN – кичик тадбиркорлик фаолиятида инвестициялар ҳажми; F – кичик тадбиркорлик фаолиятида инвестиция қайтими.

$$I_N = \frac{16578,53}{7382,1} = 2,24 \text{ марта}$$

Жорий даврда базис даврдагига нисбатан шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик маҳсулоти ҳажми кўрсаткичи 2,24 мартага кўпайган.

Энди вилоятдаги кичик тадбиркорлик фаолиятини ифодаловчи инвестиция қайтимининг умумий индексини аниқлаймиз (интенсив омил):

⁴ Навоий вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

$$I_F = \frac{\sum(KN_1 * F_1)}{\sum(\cancel{KN}_1 * F_0)} = \frac{16578,3}{21271,59} = 0,779 \quad \text{ёки } 77,9 \%$$

Бу кўрсаткич вилоятдаги кичик тадбиркорлик тармоқлари бўйича инвестиция қайтими ўртача 22,3 фоизга камайганлигини кўрсатади

Ушбу индекслар таҳлилидан кўринадики, вилоятнинг кичик тадбиркорлик субъектлари иқтисодиёти, жумладан, алоҳида шаҳар ва туманлари бўйича ялпи маҳсулот, инвестиция ва инвестиция қайтимида ўсиш юз берган. Агрегат индексларнинг иқтисодий мазмуни ва ҳисобланиш услуби 5-жадвалда берилган [7].

5-жадвал

Навоий вилояти шаҳар ва туманлари бўйича кичик тадбиркорлик фаолияти индексларини ҳисоблаш⁵

Шаҳар ва туманлар	Индекслар		
	Инвестиция қайтими	Инвестиция ҳажми	Ялпи маҳсулот қиймати
Шаҳарлар:			
Навоий	0.769	2.202	1.693
Зарафшон	1.850	0.903	1.671
Туманлар:			
Кармана	1.198	2.321	2.781
Конимех	3.733	0.623	2.326
Қизилтепа	0.808	2.852	2.305
Навбаҳор	1.475	1.391	2.052
Нурота	1.823	1.654	3.015
Томди	1.053	2.563	2.699
Учкудук	0.992	2.392	2.373
Хатирчи	0.374	5.730	2.142
Вилоят бўйича	0.997	2.247	2.241

Вилоятда кичик тадбиркорлик реал тармоқларидаги инвестиция ҳажмининг умумий индексини аниқлаймиз (экстенсив омил):

$$I_{KN} = \frac{\sum(KN_1 * F_0)}{\sum(KN_0 * F_0)} = \frac{21271,59}{7400,48} = 2,874 \text{ марта}$$

Ўрганилаётган йилларда барча шаҳар ва туманлар бўйича инвестиция ҳажми ўртача 2,874 мартага кўпайган.

Агрегат индекслар тузилиши бўйича улар орасидаги алоқаларни ифодалайди.

$$I_N = I_{KN} * I_F = 2,874 * 0,779 = 2,24 \text{ марта}$$

⁵ Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Яъни, кичик тадбиркорликда маҳсулот ҳажмининг умумий индекси биринчи омил ҳисобига ўртача 22,1 фоизга камайган, иккинчи омил ҳисобига 2,874 мартага ошган, иккала омил ҳисобига 2,24 мартага кўпайган.

1-босқич: омиллар бўйича иқтисодий кўрсаткичлар ҳажмининг мутлақ ўзгаришини ифодалаш. Ҳар бир омил ўзгариши ҳисобига натижавий кўрсаткичларнинг мутлақ ўзгариши индекслар тизимини қўллаш йўли билан аниқланади. Омиллар индексларига мувофиқ мутлақ ўзгариш алоҳида омиллар бўйича маҳраж ва суръат кўрсаткичлари орасидаги фарқ сифатида ҳисобланади.

Кичик тадбиркорлик фаолиятининг ўрганилаётган тармоқларида ялпи маҳсулот ҳажмининг умумий мутлақ ўсиши қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta N = KN_1 * F_1 - KN_0 * F_0$$

Уни омиллар бўйича қуйидагича ажратиш мумкин:

$$\text{интенсив: } \Delta N_F = F_1 * KN_1 - F_0 * KN_1$$

$$\text{экстенсив: } \Delta N_{KN} = KN_1 * F_0 - KN_0 * F_0$$

4-жадвалдаги маълумотлар бўйича Навоий шаҳрида кичик бизнес маҳсулот ҳажми ҳисобот даврида базис даврига нисбатан 837,5 млрд. сўмга ошди (2020,4 -1193,3). Бу кўрсаткичга ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаймиз:

а) интенсив омил инвестиция қайтимининг ўзгариши ҳисобига ўзгариш 595 млрд.сўмга камайди;

$$\Delta N_{KN} = 350 * 5,8 - 350 * 7,5 = - 595 \text{ млрд. сўм}$$

б) экстенсив омил, инвестиция ҳажми ($F_1 * KN_1 - F_0 * KN_1$) ўзгариши ҳисобига натижавий кўрсаткичларнинг мутлақ ошиши қуйидагича;

$$\Delta N_F = 7,5 * 350 - 7,5 * 159 = 1432,5 \text{ млрд. сўм.}$$

Шундай қилиб, Навоий шаҳар кичик тадбиркорлик соҳаси корхоналарида маҳсулот ҳажми:

$$\Delta N = \Delta N_{KN} + \Delta N_F = - 595 + 1432,5 = 837,5 \text{ млрд. сўмга тенг бўлган.}$$

Фикримизча, умумий индекслар асосида омиллар бўйича мутлақ ўсиш мос равишда тармоқлар индексини вужудга келтиради.

Шу каби Кармана туманини ҳам ҳисоблаб чиқсак, инвестиция қайтими ҳисобига кичик бизнес маҳсулот ҳажми 517,86 млрд.сўм, инвестиция ҳажми ҳисобига эса 1473,75 млрд.сўм, жами 1991,61 млрд.сўм ошган.

Умумий индексларнинг ўзаро боғланган икки омилли тизимлари учун мутлақ ўсиш қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$\Delta N = \sum(KN_1 * F_1) - \sum(KN_0 * F_0)$$

4-жадвал маълумотлари асосида кичик тадбиркорликнинг ўрганилаётган шаҳар ва туманлар бўйича маҳсулоти умумий ўсиши ҳисобот даврида базис даврдагига нисбатан омиллар ҳисобига 9089,7 млрд. сўм (16542,5 – 7382,1) туради.

Дастлаб ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаб, сўнг уларнинг натижавий омилга муносабатини кўрсатиш зарур.

Шундай қилиб, инвестиция қайтимининг камайиши ҳисобига барча шаҳар ва туманлар бўйича кичик бизнес маҳсулот умумий ҳажми –151,4 млрд. сўмга, инвестиция ҳажми кўпайиши ҳисобига ялпи маҳсулот умумий ҳажми 9241,1 млрд. сўмга ошган. Кўриниб турибдики, бундай усулда мутлақ ўсиш (ΔN)нинг ҳисобланиши омиллар бўйича қуйидагига тенг:

$$\Delta N = \Delta F + \Delta KN; \text{ яъни } -151,4 \text{ млрд.сўм} + 9241,1 \text{ млрд.сўм} = 9089,7 \text{ млрд.сўм}$$

Юқоридагиларни умумлаштириб хулоса қилиш мумкинки, инвестиция ҳажми ошиши сабабли 2018 йилда 2010 йилдагига нисбатан кичик бизнес маҳсулот ҳажми кўпайиш йўналишига эга бўлди. Экстенсив омил ялпи маҳсулот динамикасига ижобий муносабатда бўлган.

Индивидуаллик асосида ўртача тортилган индекснинг ҳисоблаш услубини 6-жадвал маълумотларида кўришимиз мумкин.

6-жадвал

Навоий вилояти шаҳар ва туманларида кичик бизнеснинг маҳсулот ҳажми, капитал қўйилмалар ва инвестиция қайтими индекслари (2018 йилда 2010 йилдагига нисбатан)⁶

Шаҳар ва туманлар	Маҳсулот қиймати (млрд.сўм)		Инвестиция қайтими индекси (i_k)	Инвестиция ҳажми индекси (i_{KB})
	2010 йил	2018 йил		
Шаҳарлар:				
Навоий	1193.3	2020.4	0.769	2.202
Зарафшон	311.9	521.2	1.850	0.903
Туманлар:				
Кармана	1109.1	3084.2	1.198	2.321
Конимех	260.8	606.7	3.733	0.623
Қизилтепа	1237.6	2852.3	0.808	2.852
Навбаҳор	910.8	1868.6	1.475	1.391
Нурота	440.8	1329.2	1.823	1.654
Томди	129.7	350	1.053	2.563
Учкудук	177.4	421	0.992	2.392
Хатирчи	1628.9	3488.9	0.374	5.730
Вилоят бўйича	7382.1	16542.5	0.997	2.247

Экстенсив кўрсаткичлар динамикасини аниқлаш мақсадида умумий ҳолда ўртача инвестиция ҳажми ўртача тортилган арифметик индекс формуласида ҳисобланади:

$$I_{KN} = \frac{\sum(i_{KB} \cdot KN_0 \cdot F_0)}{\sum(KN_0 \cdot F_0)} = 21258,56 : 7400,48 = 2,872 \text{ марта}$$

Инвестиция ҳажми ҳисобот даврида базис даврга нисбатан ўртача 2,872 марта ошган.

⁶ Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Вилоятда кичик тадбиркорлик соҳасида инвестиция ҳажмининг умумлашган ҳолда бундай сезиларли кўпайишига Хатирчи, Кармана ва Қизилтепа туманлари капитал кўйилмаларининг юқори даражаси ҳисобига эришилган.

Интенсив кўрсаткичлар, яъни инвестиция қайтимининг ўртача тортилган умумий индекси ўртача гармоник индекслар формуласи бўйича ҳисобланади:

$$I_{KN} = \frac{\sum(KN_1 * F_1)}{\sum_{iKB} \frac{KN_1 * F_1}{iKB}} = \frac{16578,53}{7878,71} = 2,104 \text{ марта}$$

Шундай қилиб, вилоятдаги кичик тадбиркорликнинг жами тармоқлар бўйича ўртача инвестиция қайтими ҳисобот даврида базис даврига нисбатан 2,1 мартага ортган. Бу ошишга биринчи навбатда Зарафшон шаҳри, Конимех ва Нурота туманларида инвестиция қайтимининг сезиларли ошиши сабаб бўлди. Ўртача тортилган индексларнинг якуний натижасида Навоий шаҳри, Кармана ва Хатирчи туманлари кўрсаткичларининг сезиларли силжишларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

2-босқич: Индексларда ўртача миқдорлардан фойдаланиш. Ўртача даражаларнинг динамик таҳлили ўзаро боғланган индексларни тузиш асосида олиб борилади. Индекс барча омилларнинг ўзгариши ҳисобига интенсив кўрсаткичлар ўртача даражаларининг ўзгаришини характерлайди. Ҳисобланган индекслар асосан кўпайтувчига, қайсики ҳар бири битта кўрсаткич ўзгаришини кўрсатувчи ўртача динамикани кўрсатадиган, унинг силжишини ифодалайдиган омилдир.

Инвестиция сиғими инвестициялар ҳажмининг ялпи қўшилган қийматга нисбати асосида аниқланади, яъни: инвестиция сиғими = инвестиция ҳажми ялпи қўшилган қиймат.

$$I_{\frac{ПС}{КЕ}} = \frac{\sum KE_1 * N_1}{\sum KE_0} : \frac{\sum KE_0 * N_0}{\sum N_0} = \frac{1513,9}{16542,5} : \frac{674,8}{7382,1} = 1,001 \text{ ёки } 100,1\%.$$

Шундай қилиб, кичик тадбиркорликнинг ўрганилаётган шаҳар ва туманлар кичик бизнеси бўйича ўртача инвестиция сиғими омиллари ўзгариши ҳисобига 1,001 фоизга ошган.

Омилларнинг тузилмавий ўзгаришларини ҳисобга олмаган ҳолда ялпи маҳсулот улуши $N/\sum N$ ўртача инвестиция сиғими ўзгаришини ифодалайди, яъни:

$$I_{\frac{ПС}{КЕ}} = \frac{\sum KE_1 * N_1}{\sum N_1} : \frac{\sum KE_0 * N_1}{\sum N_1} = 0,0915 : 0,0955 = 0,957 \text{ ёки } 95,7\%.$$

Ҳар бир тармоқнинг инвестиция сиғими пасайиши ҳисобига туманлар бўйича ўртача инвестиция сиғими 4,3 фоизга камайган.

7 - жадвал

**Кичик бизнес ялпи маҳсулот қиймати ва капитал сиғими индекслари
(интенсив кўрсаткичлар, инвестиция сиғими кўрсаткичи асосида кўриб
чиқилади)⁷**

Шаҳар ва туманлар	2010 йил		2018 йил	
	Ялпи маҳсулот, млрд.сўм	Инвестиция сиғими	Ялпи маҳсулот, млрд.сўм	Инвестиция сиғими
	В₀	КЕ₀	В₁	КЕ₁
Шаҳарлар:				
Навоий	1193.3	0.13	2020.4	0.17
Зарафшон	311.9	0.07	521.2	0.04
Туманлар:				
Кармана	1109.1	0.22	3084.2	0.19
Конимех	260.8	0.08	606.7	0.02
Қизилтепа	1237.6	0.05	2852.3	0.06
Навбахор	910.8	0.07	1868.6	0.05
Нурота	440.8	0.11	1329.2	0.06
Томди	129.7	0.08	350	0.07
Учкудук	177.4	0.06	421	0.06
Хатирчи	1628.9	0.02	3488.9	0.04
Вилоят бўйича	7382.1	*	16542.5	*

Бундан ташқари, чакана савдо тармоғида унинг даражаси ўзгармай қолди. Омилларнинг тузилмавий ўзгариши қўйидагича аниқланди:

$$I_{\frac{CB}{KE}} = \frac{\sum KE_0 \times N_1}{\sum N_1} : \frac{\sum KE_0 \times N_0}{\sum N_0} = 0,0955 : 0,0914 = 1,045 \text{ ёки } 104,5\%.$$

Шубҳасиз, ўртача инвестиция сиғими ялпи маҳсулот салмоғи ошиши ҳисобига қарийб ўзгармаган, туманларда инвестиция сиғимининг энг паст даражаси Хатирчи ва Конимех туманларида кузатилди.

Юқорида ҳисобланган индекслар орасида қўйидагича боғланиш мавжуд:

$$I_{\frac{IC}{KE}} = I_{\frac{FC}{KE}} \times I_{\frac{CB}{KE}} = 0,957 \times 1,045 = 1,001 \text{ ёки } 100,1\%$$

Натижанинг озгина бўлса ҳам ўсиши асосан Кармана тумани ҳисобига бўлди.

Макроиктисодий статистикада уч ва ундан ортиқ омиллар билан боғланган натижавий кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади. Шунинг учун бундай мураккаб натижавий кўрсаткичлар динамикасини ўрганишда, ўзаро боғланган индекслар тизимини тўғри тузиш муҳим аҳамиятга эга. Бу масала икки омил ўртасидаги ўзаро боғланишни ўрганишдан мураккаб. Шундай экан натижавий

⁷ Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир қилувчи учта омилдан биттасининг ўзгаришини, иккитасини ўзгармас ҳолда қолдириш зарур [9].

Навоий вилояти кичик тадбиркорлик иқтисодиётида инвестиция динамикасининг таҳлили асосида кўп омилли аддитив-мультипликатив индекслар тизимидан фойдаланиш мумкин.

Инвестиция ҳажми бир кичик бизнес субъектига тўғри келган маҳсулот ҳажми билан инвестиция сиғими каби ҳисобланган кўрсаткичларга тенг, яъни:

$$KN=a*b*c.$$

Навоий вилоятида кичик бизнес субъектлари инвестиция ҳажми ўзгаришига таъсири бор омиллар сифатида инвестиция сиғими, битта кичик корхонага тўғри келадиган маҳсулот ва кичик корхоналар сони ҳақидаги маълумотлар 8- жадвалда келтирилган.

8-жадвал

2010-2018 йилларга Навоий вилоятида кичик тадбиркорлик иқтисодиётидаги инвестиция ҳажмининг кўп омилли индексларини ҳисоблаш тартиби⁸

Шаҳар ва туманлар	Инвестиция сиғими		Бир кичик бизнес корхонасига тўғри келган маҳсулот ҳажми (млрд.сўм ҳисобида)		Кичик бизнес корхоналари сони (дона)	
	a ₀	a ₁	b ₀	b ₁	c ₀	c ₁
Шаҳарлар:						
Навоий	0.13	0.17	0.697	0.719	1713	2811
Зарафшон	0.07	0.04	0.808	0.880	386	592
Туманлар:						
Кармана	0.22	0.19	1.042	1.828	1064	1687
Конимех	0.08	0.02	1.380	2.604	189	233
Қизилтепа	0.05	0.06	1.559	2.835	794	1006
Навбахор	0.07	0.05	1.638	2.327	556	803
Нурота	0.11	0.06	0.848	1.738	520	765
Томди	0.08	0.07	1.441	3.043	90	115
Учкудук	0.06	0.06	0.849	1.349	209	312
Хатирчи	0.02	0.04	2.476	4.260	658	819
Вилоят бўйича	*	*	*	*	6179	9143

Бундай боғланишни бу кўрсаткичларнинг индекслари орасидаги муносабатида ҳам кўринади.

$$I_{кп} = I_a * I_b * I_c$$

Ҳар бир омил таъсири натижасида натижавий кўрсаткичларнинг ўзгаришини аниқлаймиз:

⁸ Навоий вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

$$I_{KE} = \frac{\sum a_1 b_1 c_1}{\sum a_0 b_0 c_0} = \frac{1496,084}{669,55} = 2,234 \text{ марта}$$

$$I_{KE} = \frac{\sum a_1 b_0 c_0}{\sum a_0 b_0 c_0} \times \frac{\sum a_1 b_1 c_0}{\sum a_1 b_0 c_0} \times \frac{\sum a_1 b_1 c_1}{\sum a_1 b_1 c_0} = \frac{662,405}{669,55} \times \frac{1004,526}{662,405} \times \frac{1496,084}{1004,526} =$$
$$= 0,989 \times 1,516 \times 1,489 = 2,234 \text{ марта}$$

Шундай қилиб, барча омиллар ҳисобига кичик тадбиркорлик тармоғидаги инвестиция ҳажми 2,234 марта ошган.

Юқоридагилардан шундай хулоса яшаш мумкинки, вилоятда кичик тадбиркорликда инвестиция ҳажми инвестиция сиғимининг ўзгариши ҳисобига 98,9 фоизга тенг бўлиб 1,1 фоиз камайган, маҳсулотнинг бир кичик бизнес корхонасига тўғри келган ҳажми ҳисобига 151,6 фоиз, кичик тадбиркорлик субъектлари сони ҳисобига 1,489 марта ошган, учала омил ҳисобига эса 2,234 марта кўпайган.

Таҳлилда кейинги қадамда Навоий вилояти кичик тадбиркорлик фаолиятида инвестиция ҳажмининг мутлақ қийматлардаги ўзгариши ҳар бир омил таъсирида аниқланади, яъни:

$$\Delta KN_a = \sum a_1 b_0 c_0 - \sum a_0 b_0 c_0 = 662,405 - 669,550 = -7,145 \text{ млрд. сўм};$$

$$\Delta KN_b = \sum a_1 b_1 c_0 - \sum a_1 b_0 c_0 = 1004,526 - 662,405 = 342,121 \text{ млрд. сўм};$$

$$\Delta KN_c = \sum a_1 b_1 c_1 - \sum a_1 b_1 c_0 = 1496,084 - 1004,526 = 491,557 \text{ млрд. сўм};$$

$$\Delta KN = \Delta KN_a + \Delta KN_b + \Delta KN_c = -7,145 + 342,121 + 491,557 = 826,534 \text{ млрд. сўм};$$

Юқоридаги таҳлил маълумотларидан кўринадикки, Навоий вилояти шаҳар ва туманлари кичик тадбиркорлик соҳасида инвестицияларнинг мутлақ ҳажми 2018 йилда 2010 йилдагига таққослаганда 826,534 млрд. сўмга ошган. Шу жумладан, кичик тадбиркорлик соҳасида инвестиция ҳажмида инвестиция сиғимининг ўзгариши ҳисобига 7,145 млрд. сўмга пасайган, бир кичик корхона ҳисобига тўғри келган маҳсулотнинг ўзгариши ҳисобига 342,121 млрд. сўмга кўпайган, кичик тадбиркорликдаги корхоналар сони ўзгариши ҳисобига 491,557 млрд. сўмга ошган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони 1-илоvasи: “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. // <http://lex.uz/docs/3107036>.
2. Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М: Прогресс, 1982
3. Друкер П. Инновации и предпринимательство. –М: Экономика, 1992.
4. К.П.Янковский, Л.Г.Шаршукова. Введение в инновационное предпринимательство. – СПб.: Питер, 2004. –С.189
5. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: 2002. 256б.
6. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш.: иқт.фан. докт. дисс.автореф. –Т.: 2000. 42б.
7. Ғойибназаров Б.К. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда янги инновациялардан фойдаланиш йўллари. // Иқтисодиётни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва вазифалар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. –Тошкент, 2007. Б. 132–135.
8. Улашев И.О., Бақоев Ҳ.Н. Саноатлашган минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновациявий ривожланиши таҳлили”. Монография. – Навоий. 2013 й
9. Соатов Н.М. Статистика. Дарслик.-Тошкент: Ибн Сино-2003.
10. Болтабоев М.Р., Қосимова М.С.,Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К.,Самадов А.Н., Ходжаев Р.С. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”. – Т.:ADIB NASHRIYOTI, 2011
11. Бақоев Ҳ.Н. Навоий вилояти иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ривожланишининг таҳлили. Иқтисод ва молия – илмий-амалий журнал, 2012 йил № 7, 57-60 бетлар
12. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (2010-2018 йй)// www.stat.uz, www.navstat.uz.